


## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 4301,8 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан хорижий инвестициялар 781,8 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 1511,9 минг сўмни ташкил этди.

### 2017 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори




Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Ангрен шаҳар 4985,7 минг сўм, Олмалиқ шаҳар 4762,6 минг сўм, Бекобод шаҳар 2150,4 минг сўм ва Қибрай туманида 2204,1 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>4301,8</b>	<b>96,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>1284,5</b>	<b>141,4</b>	<b>29,8</b>
бюджет маблағлари	203,5	129,6	4,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	126,5	97,7	2,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	400,6	684,4	9,3
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	553,9	102,3	12,9
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>3017,4</b>	<b>80,5</b>	<b>70,2</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1421,5	81,8	33,0
аҳоли маблағлари	666,4	93,2	15,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	227,9	148,1	5,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	701,6	74,6	16,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2017 йил январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 1421,5 млрд.сўмлик яқунга нисбатан 33,0%, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 пунктга камайишини кўриш мумкин.

## 2017 йил январь-декабрь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



## 2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби



	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>4301,8</b>	<b>415,6</b>	<b>3886,2</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
курулиш-монтаж ишлари	44,5	71,6	41,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	50,2	24,0	53,0
Бошқа ҳаражатлар	5,3	4,4	5,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-декабрга нисбатан машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 4,5% пунктга кўпайган.

## Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь

2017 йил январь-декабрь



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессиял, илмий ва техник фаолият
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

*(млрд.сўм)*

	<b>Январь–декабрь</b>			
	<b>2016 й.</b>	<b>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</b>	<b>2017 й.</b>	<b>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</b>
<b>Жами</b>	<b>3959,9</b>	<b>100</b>	<b>4301,8</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	226,3	5,4	267,3	6,2
тоғ–кон саноати	636,7	16,2	702,5	16,3
ишлаб чиқариш саноати	796,2	20,1	1246,5	29,0
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	554,6	14,0	135,7	3,2
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	54,8	1,4	25,2	0,6
қурилиш	28,3	0,7	151,3	3,5
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	138,5	3,5	149,9	3,5
ташиш ва сақлаш	200,9	5,1	264,9	6,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	20,6	0,5	23,4	0,6
ахборот ва алоқа	18,7	0,5	61,6	1,4
молиявий ва суғурта фаолияти	14,1	0,4	29,8	0,7
профессионал, илмий ва техник фаолият	52,7	1,3	57	1,3
таълим	66,5	1,7	63,3	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	82,3	2,1	52,4	1,2
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	881,3	22,3	919	21,4
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	9,6	0,2	29,2	0,7
бошқа фаолият турлари	177,8	4,6	122,8	2,7

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноати-1246,5 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 29,0%), шундан резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар-496,9 млрд.сўм (11,5%), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариши -180,4 млрд.сўм (4,2%), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари -172,8 млрд.сўм (4,0 фоиз), тоғ-кон саноатида - 702,5 млрд.сўм (16,3%), шундан металл рудаларини қазиб олишда - 540,3 млрд.сўм (12,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги-267,3 млрд.сўм (6,2%), ташиш ва сақлаш- 264,9 млрд. сўм (6,2%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари-149,9 млрд.сўм (3,5%), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишига - 919,0 млрд.сўмлик (21,4%) инвестициялар ўзлаштирилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши**

2017 йил январь-декабрда умумий майдони 1010,5 минг кв.м. бўлган бўлиб 7905 та шу жумладан қишлоқ жойларида 795,1 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 919,0 млрд.сўми ёки 71,1% турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Олий таълим, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, реконструкция ва қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 80,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,2% ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар 52,4 млрд.сўмни ташкил қилиб, шундан соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 21,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,6% ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 159,8 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига жами 22,3 млрд.сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан давлат бюджети ҳисобидан 16,6 млрд.сўм корхона маблағлари ҳисобидан 5,6 млрд.сўм ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,1 млрд.сўм инвестиция ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-декабрда 1827,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,5% ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 75,6% бинолар ва иншоотларни, 12,4% фуқаролик қурилиши объектларини ва 11,7% ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1709,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,5% (2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 102,0%) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)


й январь-декабрь 2016



2017 й январь-декабрь



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2017 йилнинг январь-декабрь 2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Бекобод шаҳарда 149,1%, Ўртачирчиқ 114,2% ва Чиноз 108,2% туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Пискент (75,5%) ва Юқоричирчиқ (77,9%) туманларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.